

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма ҳукукида

УДК: 334.734.512.86+334.722(575.171)

330.115:334.75

ГУЛМАНОВ МАХСУД АМИНОВИЧ

**КИЧИК БИЗНЕС КООПЕРАЦИОН АЛОҚАЛАРИНИ
ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ
(Хоразм вилояти мисолида)**

08.00.06 – Эконометрика ва статистика

**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун тақдим этилган диссертация**

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2012 ✓

Диссертация Урганч давлат университетининг «Иктисодиёт назарияси» кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар: иктисод фанлари доктори
Салаев Санъатбек Комилович.

Расмий оппонентлар: иктисод фанлари доктори, профессор
Ғойибназаров Баҳодир Каримович;

иктисод фанлари номзоди, доцент
Исаев Равшан Абдурахмонович.

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон Республикаси ФА Математика ва инфор­мацион технологиялар институти.**

Ҳимоя 2012 йил «___» _____ соат__ да Тошкент давлат иктисодиёт университети ҳузуридаги иктисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.067.06.01 рақамли ихтисослашган кенгаш мажлисида бўлади.

Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49-уй.

Диссертация билан Тошкент давлат иктисодиёт университети кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2012 йил «___» _____ да тарқатилди.

**Ихтисослашган кенгаш илмий котиби,
иктисод фанлари номзоди, доц.**

А. Н. Самадов

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан босқичма-босқич амалга оширилган институционал ислохотлар натижасида хусусий мулк устувор бўлган кўп укладли иқтисодиёт барпо этилди. Унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек: «...корхоналар ўртасидаги кооперацион алоқаларни кенгайтириш ва бу жараёнга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини фаол жалб қилиш зарур. Шуни назарда тутиш керакки, кооперация алоқаларини ривожлантириш ҳозирги шароитда корхоналар ва иқтисодиёт тармоқлари фаолияти барқарорлигининг кучли омили, маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш ва энг асосийси – янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлиги ва даромадларини кўпайтиришнинг энг муҳим йўналиши ҳисобланади»¹.

Шуларни инобатга олганда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни (КБХТ) истиқболда янада ривожлантириш, уни аҳоли даромадларини ошириш ва турмуш шароитини яхшилашнинг муҳим манбасига айлантириш, шунингдек, мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашнинг ишончли таянчи бўлган мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантириш вазифаларни самарали ҳал этиш, кўп жиҳатдан уларнинг иқтисодиёт субъектлари билан ўзаро кооперацион алоқаларини янада кенгайтиришга боғлиқдир. Шу нуктаи назардан 2011 йилнинг Президентимиз томонидан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»² деб эълон қилиниши ва махсус Давлат дастурига мувофиқ, жорий йилда тадбиркорлик фаолиятини кенг қўламда ривожлантириш учун янада қулай бизнес-муҳитни яратиш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ушбу соҳанинг янада ривожини таъминлашга қўйилган муҳим қадам ҳисобланади.

Маълумки, давлат томонидан кичик бизнес субъектларига қулай тадбиркорлик муҳити яратишни ҳисобга олиб, тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш тартиби соддалаштирилди, кичик корхоналар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхати кенгайтирилди, уларни давлат харидлари жараёнига кенг миқёсда жалб қилиш механизми жорий этилди, давлат ва назорат идораларининг корхоналар молиявий-ҳўжалик фаолиятига аралашуви кескин камайтилди, янги ташкил қилинган кичик бизнес субъектларини режали солиқ текширувларидан озод этиш муддати икки йилдан уч йилга узайтилди, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаётган, ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиш суръатлари ва рентабеллигини таъминлаётган кичик бизнес субъектларида уч йил давомида солиқ текширувларини ўтказиш тақиқланди.

Натижада, сўнгги ўн йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотига КБХТ улуши 31,1 фоиздан 52,5 фоизга, иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд аҳоли умумий сонисидаги улуши 49,7 фоиздан 74,5 фоизгача ошди. Аҳоли даромадларининг 47 фоиздан зиёди тадбиркорлик фаолиятдан тушган даромадлар ҳиссасига тўғри

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ваганимиз тараккиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошхент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 60-61.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» 1474-сонли давлат дастури тўғрисидаги Қарори.

келади³.

Шу билан бирга, мамлакатимизда яратилган барча имкониятлардан тўла фойдаланган ҳолда КБХТнинг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги мавқеини янада ошириш, миллий иқтисодиётда модернизациялаш жараёнларини жадаллаштириш, самарадорликни ошириш орқали янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадлари, турмуш фаровонлигини юксалтириш, кичик бизнес корхоналарини кооперацион алоқаларини фаол ривожлантириш мақсадида бизнес субъектлари ривожланиш тенденцияларини ақс эттириш ва тартибга солишда қўлланиладиган алгоритмлар мажмуини ишлаб чиқиш, фаолият самарадорлигини эконометрик баҳолаш, рақобатбардошлик стратегияларини қўллаб ишлаб чиқариш таркибини оптималлаштириш моделларини тузиш, кичик бизнеснинг кооперацион алоқаларининг шаклланиш ва ривожланиш қонуниятларини эконометрик таҳлил қилиш, соҳани янада жадал ривожлантириш бўйича илмий осланган ёндашувларни ишлаб чиқиш зарурияти туғилмоқда. Юқоридаги ҳолатлар диссертация мавзусининг долзарблигидан далолат беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадбиркорликни ривожлантириш ва корхоналар кооперацион алоқаларини ташкил этишнинг назарий-услубий муаммолари хорижлик олимлардан Й.Шумпетер, Р.Хизрич, М.Питерс, А.Хоскинг, А.Бусыгин, Ю.Осипов, А.Шапиро, М.Балашевичлар тадқиқотларида ўз аксини топган. Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ҳамда кичик бизнес субъектларининг кооперацион алоқаларини эконометрик тадқиқ этиш масалалари чет эллик олимлардан С.Хачатрян, Н.Королева, Н.Егорова, Е.Майн, Б.Бреев, О.Вороневская, Э.Хелферт, П.Белых кабиларнинг илмий ишларида кенг қўламда ёритилган.

Республикаимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришнинг илмий-услубий ҳамда минтақавий муаммолари С.Ғуломов, А.Ваҳобов, Ё.Абдуллаев, М.Қосимова, Т.Дўстжанов, С.Салаев, Қ.Муфтайдинов⁴ ва бошқа олимлар ишларида кенг қўламда тадқиқ этилган. Иқтисодиёт тармоқлари ва ишлаб чиқариш объектлари ривожланиш жараёнларини моделлаштиришнинг назарий ҳамда амалий жиҳатлари Т.Шодиев, Б.Ходиев, Ш.Холмўминов, Н.Махмудов, Б.Бегалов, Б.Беркинов, Қ.Сафаева, Б.Атаниязов, Б.Салимов, Ю.Мухамедов, Н.Аимбетов⁵ ва бошқа олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Бизнес жараёнларини эконометрик моделлаштириш, кичик ва йирик

³ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. / Халқ сўзи. 2011 йил 22 январь № 16.

⁴ Ғуломов С.С., Салимов Б.Т. Моделирование использования и развития производственного потенциала региона. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 154 с.; Муфтайдинов Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари: иқт.фан.док. ... дисс. – Т.: ЎзМУ, 2004. – 276 б.

⁵ Шодиев Т.Ш. Проблемы моделирования развития сельского хозяйства (на примере Узбекистана): дис. ... док.экон.наук. – Т.: ТГЭУ, 1988. – 380 с.; Махмудов Н.М. Моделирование производственно-экономических процессов хлопкоперерабатывающих отраслей: автореф.дисс. ... док.экон.наук. – Т.: ТГЭУ, 1993. – 36 с.; Холмўминов Ш.Р. Қишлоқ меҳнат бозорини шаклланиши ва ривожланишини моделлаштириш (Самарқанд вилояти мисолида): иқт.фан.док.дис.автореф. – Тошкент: ТДИУ, 1998. – 46 б.; Бегалов Б.А. Ахборот-коммуникациялар бозорининг шаклланиш ва ривожланиш тенденцияларини эконометрик моделлаштириш: иқт.фан. док. ... дисс.автореф. – Тошкент: ТДИУ, 2001. – 36 б.; Мухаммедов Ю.Қ. Барқарор ижтимоий-иқтисодий ўсишнинг омиллари ва эконометрик моделлари: иқт.фан.док. ... дисс.автореф. – Тошкент: ТДИУ, 2006. – 38 б.; Аимбетов Н.К. Мураккаб экологик вазият шароитида иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни моделлаштириш (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида): иқт.фан.док. ... дисс.автореф. – Тошкент: ТДИУ, 2000. – 38 б.

корхоналарнинг ўзаро кооперацион алоқаларини ташкил этиш ва ривожлантириш муаммолари Б.Ю.Ходиев (Ўзбекистонда тадбиркорлик ривожланишини эконометрик моделлаштириш), Б.Б.Беркинов (касаначилиқка асосланган кооперацион муносабатлар ва АСКда ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантириш масалалари), С.К.Салаев⁶ (миллий иқтисодиётда кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш), А.Б.Югай (кичик корхоналарда ишлаб чиқаришни бошқариш жараёнларини моделлаштириш ва ишлаб чиқариш ҳажмларини башоратлаш), О.Рихсимбоев (кичик бизнес корхоналари ривожланишини моделлаштириш), Цой М.П. (хусусий саноат корхоналари бизнес стратегияларини эконометрик таҳлил қилиш), М.А.Айнақулов (кичик ва йирик корхоналар ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантириш), А.Г. Рукавишников⁷ (кичик бизнес субъектлари ва йирик корхоналарнинг кооперацион алоқаларини бошқариш) ва бошқалар тадқиқотларида ўрганилган ва илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Шу билан бир вақтда мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш шароитида кичик бизнесни ривожлантиришдаги янги босқичлар ва институционал ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, соҳада муқобил ва барқарор кооперацион алоқалар ривожланишининг устувор йўналишларини аниқлаш ҳамда асослаш, республикамиз минтақаларида корхоналар ўртасида кооперацияни кенгайтириш салоҳиятини, миқдорий кўрсаткичларини белгилаш услубиятини ҳамда кичик бизнеснинг муқобил кооперацион алоқалари вариантларини ифодаловчи эконометрик моделларни ишлаб чиқиш, ривожланган давлатларда бизнес субъектлари кооперациясининг барқарорлигини прогнозлашда самарали қўлланилаётган усул ва моделлар ёрдамида Хоразм вилоятида бизнес кластерларини тузиш негизида иқтисодиёт тармоқларидаги синергетик самарани ошириш ва янги иш ўринлари яратишдаги муаммоларни ҳал қилиш бозор ислохотларини чуқурлаштиришнинг ҳозирги босқичидаги долзарб вазифалар қаторига киради.

Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Урганч давлат университетига берилган ОТ-Ф7-133 «Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини моделлаштириш ва маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишнинг назарий ва услубий асослари» мавзусидаги 2007-2011 йилларга мўлжалланган фундаментал тадқиқотлар давлат илмий-техника дастури доирасида бажарилаётган илмий лойиҳа режасига киради.

⁶ Ходиев Б.Ю. Ўзбекистон иқтисодиётида тадбиркорлик ривожланишини эконометрик моделлаштириш: икт.фан.док. дисс. – Тошкент: ТДИУ, 2000. – 338 б; Беркинов Б.Б. Касаначилиқка асосланган кооперация. Тошкент: ТДИУ, 2006; Салаев С.К. Кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш. икт.фан.док. дисс. – Т.: ТДИУ, 2008.

⁷ Югай А.Б. Моделирование процессов управления развитием производства предприятий малого бизнеса: дисс. ... канд. экон. наук. – Тошкент: ТГЭУ, 2004. – С. 134; Рихсимбоев О. Ўзбекистон иқтисодиётида кичик ва ўрта бизнесни ривожланишини моделлаштириш: икт.фан.номз. ... дисс.автореф. – Тошкент: ТДИУ, 2002. – 21 б.; Цой М.П. Эконометрический анализ бизнес-стратегии промышленного предприятия (на примере частных предприятий г. Джэззака): дисс. ... канд. экон. наук. – Ташкент: ТГЭУ, 2001. – 126 с.; Айнақулов М.А. Кичик корхоналарнинг йирик корхоналар билан ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантириш (Жиззах вилояти мисолида): икт.фан.номз. ... дисс.автореф. – Тошкент: ТДИУ, 2004. – 21 б.; Рукавишников А.Г. Механизмы управления экономическими отношениями малого и крупного предпринимательства // Иқтисодиёт ва таълим. – Т., 2010. – №2. – С. 47-50.

Тадқиқот мақсади: кичик бизнес субъектларининг муқобил кооперацион алоқаларини эконометрик таҳлил этиш услубиётини такомиллаштириш ва унинг синергетик самарасини оширишга йўналтирилган илмий-услубий тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Тадқиқот мақсадига эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

- республикамизда кичик бизнес субъектларининг кооперацион алоқалари ўрнатилишининг моҳияти, шакллари, синергетик самараси ҳамда назарий асосларини қиёсий таҳлил этиш;

- кичик бизнес кооперацион алоқаларининг шакллари ҳамда турларини тизимлаштириш ва бу жараёнларни эконометрик моделлаштириш бўйича услубий ёндашувларни асослаш;

- иқтисодиётни модернизациялаш ва янги иш ўринлари яратиш мезонларидан келиб чиққан ҳолда, кичик бизнеснинг кооперацион алоқаларини математик моделлаштириш босқичлари, соҳадаги хусусиятларини аниқлаш ва эконометрик таҳлил этиш ва прогнозлаш услубини яратиш;

- ривожланган хорижий мамлакатлар бизнесидаги кооперацион алоқалар ривожланишини моделлаштириш тажрибаларини қиёсий ўрганиш ва улардан республикамизда қўллаш бўйича илмий тавсия ва тақлифлар ишлаб чиқиш;

- Хоразм вилояти кичик бизнес корхоналари ички ва ташқи кооперацион алоқалари моделларини тузиш ва уларни жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

- КБХТ кооперацион алоқаларини чуқурлаштиришнинг янги усуллари бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқиш ва вилоятда кичик бизнес ривожланишини прогнозлаш;

- кичик бизнеснинг турли шакллардаги кооперацион алоқаларининг SWOT таҳлилин аналга ошириш, кооперацион алоқаларини қўллаб-қувватлашнинг янги механизмларини жорий этиш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот объекти сифатида Хоразм вилояти иқтисодиёти ҳамда кичик бизнес субъектлари танланган. Тадқиқот предмети бўлиб эса, республикамизда кичик бизнес кооперацион алоқаларининг шаклланиши ва ривожланиш жараёнлари ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари: тизимли таҳлил ва синтез, қиёсий ва кластер таҳлил, SWOT таҳлили, статистик гуруҳлаш, эксперт баҳолаш, эконометрик моделлаштириш.

Тадқиқот гипотезаси. Кичик бизнес корхоналари кооперацион алоқаларининг муқобил вариантларини моделлаштириш асосида соҳани янада ривожлантиришга имкон берадиган, синергетик самарага эришадиган ҳамда янги иш ўринлари яратишга қаратилган илмий-амалий тавсия ва тақлифлар истиқболда маъруза секторнинг барқарор ривожланишини таъминлаши мумкин.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- кооперацион алоқалар ҳамда бизнес кластерларининг моҳияти, синергетик самараси янги таснифланиши, хорижий мамлакатларда ва республикамизда уларнинг ривожланиш босқичлари ва имкониятлари, муқобил вариантларини математик ва эконометрик моделлар ёрдамида таҳлил этишнинг назарий-услубий асослари;

- чизикли дастурлаш моделлари негизда ҳудудда кичик корхоналар ички ва ташқи кооперацион алоқаларининг эмпирик моделлари, таклиф занжири ва график шаклидаги алоқалар тармоғи;

- кичик бизнес субъектлари кооперацион алоқаларининг эконометрик таҳлили, синергетик самарасини аниқлаш ҳамда ҳудудда бизнес кластерларини гуруҳлаш услублари;

- Хоразм вилоятида кичик бизнес субъектларининг ўзаро ҳамкорлик ва кооперацион алоқаларини кенгайтириш орқали корхоналарда янги иш ўринларини яратиш, инновацияларни жорий этиш бўйича таклиф ва тавсиялар.

Ишнинг илмий янгилиги. Кичик бизнес субъектларининг муқобил кооперацион алоқаларини ҳамда истикболини прогноз қилишнинг услубий асослари ишлаб чиқилган ва улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- кичик бизнес субъектлари кооперацион алоқалари шакллари таснифланган ва уларни такомиллаштиришнинг илмий-услубий ёндашувлари умумлаштирилган;

- кичик бизнес субъектлари кооперацион алоқаларини эконометрик моделлаштириш ҳамда муқобил вариантларни ва синергетик самарани аниқлашнинг услуби таклиф этилган;

- ҳудудда кичик бизнес субъектлари кооперацион алоқаларини ифодаловчи эмпирик моделлар, уларни ривожлантиришнинг асосий омиллари ва истикболлари аниқланган;

- кичик бизнес кооперацион алоқаларининг даражаси, қўламлари, хусусиятлари эконометрик баҳоланган ва ҳудудда бизнес кластерларини шакллантириш орқали янги иш ўринларини яратиш мумкинлиги исботланган;

- кичик бизнес кооперацион алоқаларининг барқарорлиги илк бор эконометрик моделлаштирилган, функционал боғлиқликлар адекватлиги текширилган;

- ҳудудда кичик бизнеснинг кооперацион алоқаларини кенгайтириш орқали уни ривожлантириш истикболлари, ҳамкорлик ва кооперацион алоқаларнинг устувор йўналишлари асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари бўйича ишлаб чиқилган эконометрик моделлар, таклиф ва тавсиялар ҳудудларда кичик бизнес субъектларининг кооперацион алоқаларидан оптимал вариантларини танлаш ва замонавий тармоқ кластерларини шакллантиришга имкон беради.

Таклиф этилаётган услублар, унинг натижалари тегишли вазирликлар, ташкилотлар, минтақавий ва маҳаллий бошқарув органлари фаолиятида турли йўналишларда қўлланилган ва келгусида ҳам қуйидаги йўналишларда фойдаланилиши мумкин:

- кичик бизнес субъектлари кооперацион алоқаларини қўллаб-қувватлаш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган минтақавий маҳаллийлаштириш дастурларини ишлаб чиқишда;

- кичик ва йирик бизнеснинг касаначилиқдан бошқа шаклдаги кооперацион алоқаларини қўриб чиқиш ёки амалиётда ҳамкорлик самарасини асослашда;

- кичик бизнес субъектлари фаолиятини таҳлил этиш, кооперацияга киришувчи субъектларни танлаш, уни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга

мутасадди давлат, нодавлат органлари, уларнинг жойлардаги бошқармалари, бўлимлари томонидан кооперацион алоқаларнинг «хаёт цикли» давомийлигини мониторинг қилишда;

- иқтисодиёт йўналишидаги олий ўқув юртлирида мавзуга оид ёки яқин фанларни ўқитишда, аспирантлар, илмий ходимлар ва кичик бизнес муаммолари билан кизикувчи тадқиқотчилар доираси томонидан шу йўналишда илмий ишлар олиб боришда.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши. Диссертацияда ишлаб чиқилган хулоса ва таклифлар Хоразм вилояти ҳокимлиги захира кадрларни тайёрлаш ўқув курсларида ва ахборот-таҳлил гуруҳи (маълумотнома № 8-158, 20.01.2010) ва Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни ривожлантириш вилоят ҳудудий бошқармаси (маълумотнома № ШХ 10-17/216, 25.02.2010) амалий фаолиятларида фойдаланиш учун қабул қилинган. Шунингдек, диссертациядаги илмий ва амалий ҳамда статистик материаллар Урганч давлат университети (далолатнома № 204/2, 12.01.2010)нинг ўқув жараёнларида кенг фойдаланилмоқда.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертация ишининг асосий натижалари, хулоса ва тавсиялари муаллиф томонидан катор халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларда, жумладан, Двадцатые международные Плехановские чтения «Актуальные проблемы экономического развития в современных условиях» (Москва, 2007), «Ўзбекистон иқтисодиёти: эришилган ютуқлар, муаммолар ва ривожланиш истикболлари» (ТДИУ, 2008), «Аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни» (ТДИУ, 2008), «Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида минтака иқтисодиётини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари» (Урганч, 2009), «Трансформация экономических отношений в условиях преодоления последствий глобального финансового-экономического кризиса» (Москва, РЭУ им. Г.В. Плеханова, 2010), «Иқтисодий, демографик, экологик барқарорлик ва хавфсизликни мустақамлашнинг устувор вазибалари» (Урганч, 2010) ҳамда Хоразм Маъмур академияси ва Урганч давлат университетида иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг турли муаммоларига бағишланган (2006-2010) илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган ва маъқулланган.

Диссертация Урганч давлат университети «Иқтисодиёт назарияси», «Иқтисодиёт» ва «Касб таълими» кафедралари, Тошкент молия институти, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги Д.067.06.01 рақамли ихтисослашган кенгашнинг 08.00.06 – «Эконометрика ва статистика» ихтисослиги бўйича илмий семинарларида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация материаллари ва натижалари бўйича 14 та илмий иш, шу жумладан ОАК эътироф этган журналларда бешта илмий мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертация ишининг ҳажми 156 бетдан иборат, у 13 та жаadwal, 12 та расми ўз ичига олади.

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асосланган ҳамда

унинг ўрганилганлик даражаси, мақсади, вазифалари, объекти, предмети, илмий янгиликлари, илмий ва амалий аҳамияти изоҳлаб берилган.

Диссертациянинг «**Кичик бизнес кооперацион алоқаларини ривожлантириш ва эконометрик моделлаштиришнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида кичик бизнес корхоналарининг кооперацион алоқаларининг (КБКА) мазмуни, улар ривожланишини эконометрик моделлаштиришнинг назарий ёндашувлари, ижтимоий-иктисодий аҳамияти, шунингдек, хорижий мамлакатларда кооперацион алоқаларни моделлаштириш тажрибалари тадқиқ этилган.

Диссертациянинг «**Хоразм вилоятида кичик бизнес кооперацион алоқаларининг эконометрик таҳлили ва оптимал вариантлари**» деб номланган иккинчи бобида, вилоятда кооперация алоқалари ривожланишининг ҳозирги ҳолати, даражаси, мавжуд имкониятлари, кенгайтириш омиллари, Хоразм вилоятда КБКАнинг қўламлари ва хусусиятлари иқтисодий-математик моделлар ёрдамида баҳоланган, синергетик самара ва оптимал вариантлари тақлиф этилган.

Диссертациянинг «**Кичик бизнес кооперацион алоқаларини моделлаштириш ва устувор ривожлантиришнинг асосий йўналишлари**» номли учинчи бобида, кичик бизнес кооперацион алоқаларининг турли шакллари ва жараёнларини эконометрик моделлаштириш услубиёти такомиллаштирилган, Хоразм вилоятида кичик бизнес кооперацион алоқаларини кенгайтириш механизмлари ва синергетик самаралари, ривожлантириш истиқболлари тадқиқ этилган, соҳани тараққий эттиришнинг имкониятлари прогноз қилинган.

Диссертациянинг хулоса қисмида тадқиқот натижаларидан келиб чиқадиган илмий хулоса ва амалий тақлифлар берилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Маълумки, исталган бир минтақа ёки иқтисодиёт тармоғи кичик ва йирик бизнес субъектлари оптимал нисбатларда ривожланишни тақозо қилади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти асоси бўлган ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш, мамлакат иқтисодиётини барқарор юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадини оширишнинг муҳим омили бўлган КБХТни жадал ривожлантириш бўйича қулай ишбилармонлик муҳити ҳамда ишончли ҳуқуқий кафолатлар яратилди. Хусусан, жорий йилнинг ўзида тадбиркорлик фаолиятини кенг қўламларда ривожлантириш учун янада қулай бизнес-муҳитни яратиш бўйича бир қатор қонуний-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди⁸.

Шу билан бирга, КБХТ жадал ривожланишига тўсқинлик қилаётган, тадбиркорлик фаолияти эркинлигини чеклаётган бир қатор омиллар мавжуд.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги 1474-сонли «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» давлат дастури тўғрисидаги Қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 апрелдаги 4296-сонли «Текширишлари қисқартириш ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини янада такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 апрелдаги «Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг электр қурималарини электр тармоқларига улачишини соддалаштирилган тартиби тўғрисида»ги ва 2011 йил 10 майдаги 129-сонли қарори ва бошқалар.

Бизнес муҳитига таъсир этувчи омиллар, жумладан, бозорларнинг глобаллашуви, товар ва хизматлар ҳаёт даврининг қисқариши, инновацияларнинг маҳсулотлар тури, жараёнларга ҳамда истеъмолчиларнинг индивидуал маҳсулотларга бўлган талабига тайзика, корхоналар томонидан етакчи бизнес жараёнларини эътироф этиш, яхшилаш ва автоматлаштиришни талаб қилади. Натижада, компаниялар маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, бозорни ўрганиш, сотиш, хизмат кўрсатиш жараёнларини ягона корхоналар доирасида эмас, балки тармоқ доирасида яхшилаш, интеграциялаш, шериклар билан кооперация алоқаларига киришишга эҳтиёжлар туғилади.

Таҳлилларга кўра, Ўзбекистон кичик бизнес субъектлари рақобатбардошлик кучларини фақат маҳорат устуворлигида эмас, балки, ўзларининг бизнес шериклари билан кооперацион алоқалар ўрнатишда деб билишади.

Диссертацияда таъкидланганидек, корхоналар учун истиқболли йўл уларнинг глобал рақобатбардошлигини ошириш, ташқи бизнесда ҳамкорлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ва турли шаклдаги ишлаб чиқариш кооперация алоқаларини ўрнатишдир. Ички хўжалик кооперациясида корхоналар умуммиллий мақсадга эришиш учун фаолият олиб борадилар. Бундай алоқаларда ҳеч қандай корхона яқка тартибда бошқа ҳамкорларнинг иштирокисиз самарали рақобат қила олмайди. Агар икки ва ундан ортиқ корхона иштирокида ўзаро ҳамкорлик қилинса, унда корхонанинг тармоқ таркиби тузилади. Корхоналар тармоғини ташкил этишдан мақсад истеъмолчиларнинг юқори сифатли товарларга бўлган талабини ўз вақтида ҳамда рақобатли нархларда қондиришдан иборат ҳисобланади. Корхоналар ишлаб чиқаришидаги ўзгаришларни талаб белгилаб беради. Шиддат билан ўзгараётган бозор шароитида рақобатбардошликни таъминлаш учун корхоналар бошқариш ва ташкилий ишларида ўзгаришлар қилишга мажбур бўлишади. Шуларни эътиборга олиб, диссертацияда асосий эътибор кооперациянинг турли шакллариغا қаратилиб, ҳамкорлик ва кооперация атамаларининг мазмун-моҳияти кўриб чиқилган.


Корхоналар ўртасидаги ҳамкорлик бизнес ҳамкорларга боғлиқ бўлиб, унда ҳар бир корхона ўзига тегишли бўлган фойдага самарали йўл орқали эришишга ҳаракат қилади. Корхоналар ўртасидаги ҳамкорлик доирасида корхона мустакил бўлади, алоқалар исталган пайтда мақсаддан оғишмаган ҳолда тўхташи мумкин. Корхоналар ўртасидаги ҳамкорлик, жумладан, саноат корхоналарида тажриба алмашиш, айрим муаммоларни муҳокама қилиш ёки потенциал ҳамкорлар билан учрашиш имконини беради. Яъни, унда корхона мақсадидан оғишмаган ҳолда, даромад топиш имкони ўрганилади ва зарур бўлса, ҳамкорлик муносабатлари бекор қилинади.

Кооперацион алоқага кирувчи корхоналар умумий мақсадга эришиш учун биргаликда фаолият олиб борадилар. Бундай алоқаларда иккала тараф ҳам рақобатда иштирок этиши мумкин. Агар икки ёки ундан ортиқ компаниялар ўртасида кооперацион алоқалар ўрнатилса корпоратив тармоқ тузилади. Корпоратив тармоқ тузилишига кўра, буюртмачининг индивидуал талаби керак миқдорда ва рақобатбардош нархларда ўз манзилига вақтида етказиб берилиши керак. Кичик бизнес субъектларининг кооперацион алоқалари соҳасига, субъектларига, алоқалар зичлигига, иштирокчилар сонига, ҳудудига, барқарорлик даражасига, алоқа предметиға ҳамда кўламига кўра турлича тавсифланади.

Ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқариш кооперацияси, хусусан, ёрдамчи пудратчилик муносабатлари⁹ шакллари саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишнинг ва иктисодий ўсишни таъминловчи омил сифатида кенг қўлланилади. Ёрдамчи пудратчилик муносабатлари дастлаб Япония, АҚШ, Германия, Франция, Италия, Испания каби давлатларнинг юқори иктисодий ривожланиш суръатларини таъминлашда муҳим бўгин сифатида хизмат қилди.

Диссертацияда таъкидланганидек, кичик бизнес субъектлари фаолияти натижаларини молиявий-иктисодий таҳлил қилиш усуллари ичида кенг қўламада тарқалгани операцион ёки иктисодий ва молиявий дастак усуллари бўлиб, булар исталган корхонанинг шу жумладан, кичик корхона ва микрофирмаларнинг хўжалик фаолиятини тезкор таҳлил қилишга имкон беради. Кооперацияни амалга оширишнинг дастлабки босқичи вазифалар сценарийларини ишлаб чиқиш бўлиб, унда муайян шароитда кооперацион алоқаларнинг мумкин бўлган вариантлари тавсифланади. Улар ўз ичига кооперация объектлари, кооперациядаги маълум бир мақсадлар ва ечилиши лозим бўлган вазифаларни қамраб олади. Иккинчи босқичда кооперацион алоқаларни амалга ошириш *механизми* танланади. Танланган механизм доирасида кооперация жараёнида шаклланувчи даромад ва харажатлар аниқланади. Учинчи босқичда юқорида таъкидланган операцион ва молиявий дастак усуллари ёрдамида кооперация самаралари ҳисобланади. Тўртинчи босқичда олинган натижалар таҳлил этилади ва кооперацион алоқалар сценарийси тузатилади, акс ҳолда, ўша сценарий бўйича кооперацион алоқаларга кириш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Кооператив тузилмалар алоҳида блок ёки уюшма сифатида йирик бизнес билан ўзаро алоқага иккита: *етказиб берувчи корхона* ва *истеъмолчи корхона* шаклида киришади (1-расм).



А) йирик корхона – етказиб берувчи (K_1) (касаначиликка асосланган); Б) йирик корхона – истеъмолчи (K_2); В) бир қанча етказиб берувчи ($K_1^{i^{th}}$) ва истеъмолчи (K_2) йирик корхоналар тўплами.

1-расм. Кичик бизнес субъектларининг йирик бизнес корхоналари билан ўзаро кооперацион алоқалари шакллари¹⁰

Диссертацияда ушбу икки шаклдаги ўзаро алоқаларни кооператив тузилмалар бир ёки бир қанча йирик етказиб берувчи тузилмалар ва бир ёки бир нечта истеъмолчи корхоналар билан ҳамкорлик қилинганда умумий битта шаклга келтирилган. Тадқиқот натижаларига кўра, кичик ва йирик бизнеснинг ўзаро алоқаларининг миқёси ва тавсифи кўпроқ ўрганилаётган минтақа иктисодиёти

⁹ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. 37-боб, 634-модда.

¹⁰ Муаллиф ишланмаси.

таркибий хусусиятларига боғликлиги аниқланган.

Аммо, кооперациянинг кенг тарқалган кўрсаткич шакли бу кичик ва йирик корхоналар ўртасида ўзаро бир-бири билан турли ресурслар алмашинувга тўғри келади ва бу ҳолат республикамизда асосан алоқа, чакана ва улгуржи савдо, туризм ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизимларига тааллуқдир, аммо уй-жой коммунал хўжалигида бундай алоқалар кузатилмайди. Шунинг учун ҳам. бугунги кунда Ўзбекистонда умумий киймати 24 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган 300 та инвестиция лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда. Узок муддатга мўлжалланган дастур лойиҳалари таркибида янги қурилиш лойиҳалари 18,5 млрд. АҚШ долларини, модернизация ва реконструкция қилиш. техник ва технологик қайта жиҳозлаш лойиҳалари 6,0 млрд. АҚШ долларини ташкил этади¹¹.

Диссертацияда таъкидланганидек, кичик бизнеснинг йирик корхоналар билан кооперацион жараёнга ундовчи асосий рағбатлантирувчи ҳолат ишлаб чиқариш кўламлигини кенгайтириш, фаолият кўламлигини ҳамкорликда олиб бориш, машхур савдо маркази ёки имижига кабилардан фойдаланишдир.

Хоразм вилояти, туман ва шаҳарларининг республика саноат ишлаб чиқаришидаги улуши тўрт фоиз атрофидалигини эътиборга олган ҳолда, муаллиф асосан, вилоятда бизнес миқёсини кенгайтириш масалалари кўпроқ аграр секторда, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси, жумладан, замонавий АКТ хизматлари, туризм, аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш соҳасида бўлишини эътироф этади.

Хоразм вилоятида кичик бизнес субъектларининг ўзаро ва ташқи кооперацион алоқалари ривожланишининг бошланғич босқичида бўлиб, кўпроқ кўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш, мувофиқлаштирувчи инфратузилмасига ва механизмларига эҳтиёж сезмоқда. Микроиқтисодий даражада ташкил этишнинг кенг тарқалган ва самарали механизмлари сифатида харажатли-тақсимловчи, ташкилий-тақсимловчи, кооперациянинг ишлаб чиқариш-тақсимлаш, кооперациянинг беғараз-ишончли, кредит-кооперацион, солиқ тежовчи механизмлари фарқланиши диққатга сазовордир.

Кооперация, яъни иқтисодий симбиоз, муаллиф фикрича – ўзаро ҳар бир иштирокчига самара келтирувчи иқтисодий объектларнинг барқарор алоқаларини назарда тутувчи уюшмадир. Ҳақиқатан самара (C_i) одатда, фойда кўрсаткичи билан ўлчанса (барча солиқ ва тўловлар тўлангандан кейин КБ субъектида қолувчи соф фойда), у ҳолда C_i^{KC} ни ифодаловчи ўзгарувчи кўпчилик ҳолларда ноаниқ, «чалқаш» бўлиши мумкин¹².

Бошқарувни яхшилаш самарасини миқдорий шаклда ифодалаш етарли даражада мураккаб бўлиб, бу қуйидаги ҳолатларни акс эттириши мумкин: амалий жиҳатдан кичик бизнес субъектининг фойдаси ошмайди, бироқ, ишлаб чиқариш ва маҳсулотни сотиш жараёнини бошқариш бўйича уринишлар камаяди ва айнан ана шу кичик бизнес субъектини корхоналар билан кооперацияда ушлаб туради. C_i^{KC} кўрсаткич ўлчанадиган бўлган ҳолда, таркибий таҳлилни амалга ошириш

¹¹ Каримов И. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози ва Ўзбекистон шароитида уния бартараф этиш йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – Б.23.

¹² Егорова Н.Е., Хачатрян С.Р., Королева Н.В., Маренный М.А. Методы измерений взаимодействия малого и крупного бизнеса в ходе реструктуризации предприятий. – М.: ИЭМК РАП, 2001. С. 64-78.

зарур бўлади.

Маълумки, умумий ҳолда кичик бизнес субъекти кооперацияга ўз улушини қўшиш асносида кооперация билан боғлиқ муайян харажатлар қилади. Бошқа томондан эса, кооперациядаги иштирокидан қўшимча наф олади. У ҳолда C^{KC} қуйидагига тенг бўлади:

$$C_i^{KC} = d_i - z_i, \quad (1)$$

бу ерда. d_i – i - кичик бизнес субъекти кооперацияга қўшилишидан олинган қўшимча даромад; z_i – i - кичик бизнес субъектининг кооперацион тузилмада қатнашиши билан боғлиқ харажатлар миқдорини аниқлайди. Бу ерда d_i қўпинча даромадларнинг шаклланиши ва z_i харажатларнинг амалга ошиши, кичик бизнес субъектлари бирлашишларининг шакли ва турларига ҳам боғлиқ ҳолда ўзгаради.

Кооператив тузилмалар шаклланганда қўшимча даромадлар (d_i) шаклланишининг асосий йўналиши трансакцион харажатларнинг камайиши ҳисобланади. Агар алоҳида автоном ҳолда фаолият юритувчи кичик бизнес субъектининг фойдаси P_i ни ва кичик бизнес субъектлари бирлашишлари натижасидаги трансакцион харажатлар пасайиши W_i ни ташкил этса, у ҳолда қуйидагича нисбатни ўринли дейиш мумкин.

$$d_i = (P_i + W_i) - P_i = W_i. \quad (2)$$

Бундай ҳолатда, агар кооперацион тузилма норасмий шаклланган бўлса, у ҳолда кичик бизнес субъектлари бирлашиши билан боғлиқ харажатларни сарфламайдилар ёки жуда бўлмаганда барча корхоналарда бундай ҳолат такрорланмайди. Бу эса, z_i ўзгарувчи нолга тенглигини ($z_i = 0$) ифодалайди. Ушбу хусусий ҳолда кичик бизнес субъектининг кооперациядан оладиган самараси қуйидаги нисбатда бўлиши мумкин, яъни:

$$C_i^{KC} = W_i. \quad (3)$$

Нисбатан мураккаб бўлган ҳолларда, яъни, кооперацион алоқалар кичик бизнес субъектларидан кооперация ривожланиши учун муайян капитал қўйилмалар талаб қилганда, самара қуйидаги ифода орқали топилади:

$$C_i^{KC} = W_i - Z_i. \quad (4)$$

Унда, (1) формуладан фойдаланиб, қуйидаги тенгликни ҳосил қилиш мумкин:

$$C_i^{KC} = \sum_{i=1}^n (C_i + W_i - Z_i). \quad (5)$$

(5) – формула эса, n кичик бизнес субъектларидан ташкил топган кооперацион тузилма самарасининг шаклланиш жараёнини ифодалайди ва у ҳар бир кичик бизнес субъектининг алоҳида олинган кўрсаткичларига бўғлиқ бўлади: алоҳида олинган самараси (C_i), харажатлар камайиши туфайли қўшимча фойда W_i ва мазкур кооперацион бирлашмага қўшилаётган (Z_i) улуш орқали тасвирланади.

Демак, $\sum_{i=1}^n d_i$ қанча катта бўлса, иктисодий симбиоз шунчалик чамбарчас ва қўриб чиқилаётган кооперацион тузилма шунча барқарор ҳамда яшовчан бўлади.

Агар кооперацион тузилманинг қандайдир бир ташқи муҳит (E) таъсирларига нисбатан барқарорлик мезони мавжуд бўлса (масалан, бозор конъюнктураси таъсири остида мумкин бўлган йўқотишларнинг ўртача катталикини ифодаловчи мезони), у ҳолда, кооперацион тузилма мавжуд бўлишининг зарурий шартини

куйидагича ёзиш мумкин:

$$C^{KC} \geq E, \quad (6)$$

бу ерда, E – олдиндан берилган экзоген ўзгармас ёки (6) – тенгсизликни эътиборга олган ҳолда уни куйидагича ёзиш мумкин:

$$C^C + \sum_{i=1}^n C_i \geq E, \quad (7)$$

бу ерда, C^C – ўзгарувчи самара тури.

Синергетик самара киймати куйидаги ифода орқали ҳисобланади:

$$C \geq E - \sum_{i=1}^n C_i. \quad (8)$$

Агар кооперацион тузилмалар учун синергетик самара ўлчами куйидагича формула билан ифодаланиши эътиборга олинса,

$$C^{KC} = \sum_{i=1}^n (W_i - Z_i), \quad (9)$$

у ҳолда самара куйидагича топилади:

$$\sum_{i=1}^n (W_i - Z_i) \geq E - \sum_{i=1}^n C_i^{KC}. \quad (10)$$

(8) ва (10) формулалар бозор муҳитида кооперацион тузилмаларнинг барқарор фаолият кўрсатишининг зарурий шартларини ифодалайди, яъни, бозор тебранишлари ёки ноаникликлари натижасида юзага келадиган зарарларни синергетик самара қоплаши керак бўлади.

Кооперацион тузилма барқарор фаолият кўрсатишининг етарли шarti, кичик бизнес субъектини кооперацион альянсда ушлаб турувчи, «марказга интилувчи кучлар» билан аниқланади. Агар, i – кичик бизнес субъектининг кооператив тузилмада фаолият кўрсатишининг жозибасиз бўлиб қолишини ифодаловчи, иктисодий нафнинг ўртача ҳажми – R_i , эксперт йўли билан аниқланади ва у ҳар бири кичик бизнес субъекти учун ўзгармас деб қабул қилинади.

У ҳолда кичик бизнес субъектининг кооперацион тузилмада барқарор фаолият кўрсатишининг етарли шarti куйидаги шакл орқали ифодаланади, яъни:

$$W_i - Z_i \geq R_i, \quad i = \overline{1, n}. \quad (11)$$

Бу шарт, кооперацион тузилма таркибига кирувчи ҳар бир кичик бизнес субъекти учун қўшимча нафнинг етарли бўлишини билдиради. Агар юқоридаги шартларни ҳеч бўлмаганда биттаси бажарилмаса (ташқил этилган тузилмадан битта кичик бизнес субъекти чиқиб кетса), у ҳолда кооператив тузилма нобарқарор бўлади ва ўз фаолиятини тўхтатади.


Демак, кичик бизнес субъектининг ўзаро мумкин бўлган кооперацион алоқалари ($i = \overline{1, L}$) тўпладан ($i = \overline{1, n}$) КБ субъектларини К тўплам ажратиб олинади ва бу тўплам учун кооперацион бирлашув умумий мақсад белгиланиши асосида қўшма фаолиятнинг муайян бир ($k = \overline{1, K}$) йўналиши аниқланади. Мазкур фаолият тури маълум бир даромад W_k ва харажат Z_k лар билан тавсифланади.

У ҳолда кооперацияда синергетик самара шаклланишининг мазкур алоқалардаги иктисодий механизми, деганда қўшма фаолиятнинг шундай k -йўналиши тушуниладики, бу қайд этилаётган бизнес субъектлари учун куйидаги шартларда бажарилмоғи лозим. Ҳар бир $i (i = \overline{1, n})$ учун $W_k - Z_k \geq \varphi_i$, бу ерда φ_i – i –

бизнес субъекти ёки иқтисодий агент учун K – фаолиятнинг жозибадорлик нуктаси, яъни

$$W_{ik} = \sum_{i=1}^I W_{ik}, \quad Z_{ik} = \sum_{i=1}^I Z_{ik}, \quad (12)$$


бу ерда, W_{ik} ва Z_{ik} лар кооперацион алоқаларнинг I – турига мос даромад ва харажатлар. Бошқача қилиб айтганда, иқтисодий механизмларни амалга оширилишида қаралаётган қўшма фаолият ҳар бир кичик бизнес субъекти учун минимал жозибадорлик нуктасидан юқори бўлган самараларни таъминланишига хизмат қилади. Юқоридаги формулалардан фойдаланган ҳолда, кичик бизнес корхоналарининг муқобил кооперацион алоқаларини танлаш алгоритми ишлаб чиқилган (2-расм).



2-расм. Кичик бизнес кооперацион алоқаларини ташкил этиш алгоритми¹³

¹³ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Йирик корхона сифатида «Хоразм гиламлари» ОАЖда бир неча хил маҳсулотни ишлаб чиқаришни тартибга солувчи ҳисобланади. Шуни инобатга олиб, диссертацияда йирик корхоналар билан кичик бизнес кооперацион алоқаларини ташкил этишнинг ташкилий модели ишлаб чиқилган (3-расм).



3-расм. «Хоразм гиламлари» ОАЖ тадбиркорлик тармоғини моделлаштириш¹⁴.

Корхона ишлаб чиқаришни идентификациялаш жараёнида стратегик маҳсулот (хом ашё ва б.) етказиб берувчиларга талабнома жўнатади. Расмда кўрсатилганидек, етказиб берувчилар (1-1 ва 1-2) 1-маҳсулотга талабгор бўлади. 1-3, 1-4 ва 1-5 етказиб берувчилар эса 2-маҳсулотга талабгор бўлади. Маҳсулот етказиб берувчилар ўз имкониятларини солиштириб кўради, агар етказиб бериш шартларига рози бўлишмаса, топшириқни кейинги маҳсулот етказиб берувчига ўтказишади. Ҳар бир бирлашма айнан шу жараённи охириг босқичгача олиб боради. Сўралган ахборот юқори босқичга ўтказилади. Тўпланган маълумотлар тармоқни тўлғазади, бунда тармоқдаги ҳар бир субъект катнашади. Бу жараён учун маълумот олиш имкониятлари 3-расмнинг ўнг қисмида тасвирланган. Масалан, 1-маҳсулот етказиб берилиши икки тармоқда бўлиши мумкин, электр таъминоти тармоғи 1 (ўзак бирлашма (тармоқ, узел) П1-1) ва тармоқ таъминот 2 (ўзак бирлашма (тармоқ, узел) П1-2) бу пайтда 2-маҳсулот 3 манбадан таъминланади. Гилам фабрикасига келгунча тармоқдаги потенциал таъминловчи манба танланилишига эришиши керак. Ушбу шартлар бу 1-маҳсулот учун ўринли.

Бизнес жараёнларини мувофиқлаштириш, ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш ҳамда синергетик иқтисодий самара олиш мақсадида давлат корхоналари ва кичик бизнес субъектлари вилоят ишлаб чиқаришида кооперацион алоқаларни кенгайтирмоқда. Корхоналарнинг ресурслари, маҳсулот турлари, улар бозор нархлари, кооперацион алоқалар ўрнатиш натижасида фойда олиш имкониятлари ҳақида маълумотлар мавжуд.

¹⁴ Albani, A. and Mussigmann, N. (2005), «Evaluation of supply networks», in Meersman, R., Tari, Z. and Al, E. (Eds), paper presented at International Workshop on Modelling Inter-Organisational Systems (MIOS), in Conjunction with the OTM 2005 Federated Conferences, LNCS, Springer, Larnaca асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Шуни ҳисобга олиб, диссертацияда чизикли дастурлаш услубиётини қўллаш орқали давлат ва хусусий бизнес корхоналарининг иктисодий фаолиятини оптималлаштириш модели тавсия этилган. Унда фойда микдорининг киймати кооперацион алоқаларнинг синергетик самарасига боғлиқлиги ҳисобга олинган.

Модель Хива туманида гиламчилик-хунармандчилик бизнес кластерини шакллантириш учун ишлаб чиқариш таркибини оптималлаштириш масаласини ечиш орқали синаб кўрилган. Унга кўра «Хоразм гиламлари» гилам комбинати ҳафтада «Хива» артикулли гиламдан 150 дона, «Феруза» артикулли гиламдан 300 дона ва «Жалол» – артикулли гиламдан 900 дона ишлаб чиқарганда 8 млн. 25 минг сўм микдорида фойдага эга бўлиши мумкин.

Диссертацияда мавжуд кооперацион алоқаларнинг зичлигини таҳлил қилиш мақсадида корреляцион-регрессион усул қўлланилган. Кооперацион алоқалар вақт омили бўйича ўрганиб, улар ўзгариши 2015 йилгача бўлган муддатга прогноз қилинган. Кўрсаткичлар 2-жадвалда 3 турдаги статистик мезон бўйича вақт омилининг кооперация алоқалари зичлигига таъсири баҳоланди.

2-жадвал

Хоразм вилоятида кооперацион алоқаларнинг зичлигини баҳолаш мезонлари ўртасидаги корреляцион боғланиш кўрсаткичлари¹⁵

| Кўрсаткичлар | Регрессия тенгламаси | Кoeffициент | <i>t</i> -мезони | <i>P</i> -қиймат |
|---|---------------------------|-------------|------------------|------------------|
| Касаначилар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот (кўрсатилган хизмат) ҳажми (млн. сўм) | $y_1 = 534,03 + 115,84t$ | 0,796736 | 4,291253 | 0,003605 |
| | | | 5,238121 | 0,001202 |
| Меҳнат шартномаси асосида яратилган касаначилик иш жойлари сони | $y_2 = 1016,39 + 127,44t$ | 0,84997 | 9,289277 | 3,470815 |
| | | | 6,297408 | 0,000405 |
| Касаначиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи, (минг сўм) | $y_3 = 16,55 + 13,75t$ | 0,955988 | 2,637143 | 0,033562 |
| | | | 12,33074 | 5,296737 |

Олинган натижаларга кўра, вилоят бўйича касаначилар тамонидан маҳсулот ишлаб чиқариш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда касаначиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи билан вақт оралиғида ижобий корреляцион боғлиқлик мавжуд эканлигини кўрсатди. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, регрессион тенгламадан фойдаланиб, касаначиларнинг 2011-2015 йилгача бўлган муддатга асосий кўрсаткичлари прогноз қилинди.

Шу билан бир вақтда, Хоразм вилоятида касаначилик ривожланиши ва унинг кейинги йилларда қандай ўзгаришини ўрганиш мақсадида уни ташкил этишдан тежалган маблағни (y), касаначилар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот (кўрсатилган хизмат) ҳажми (x_1), ўртача ойлик иш ҳақи (x_2), меҳнат шартномаси асосида яратилган иш жойлари (x_3) боғлиқлигининг эконометрик модели ишлаб чиқилди. У қуйидаги кўринишга эга:

$$y = -52,61 + 0,15x_1 - 0,23x_2 + 0,03x_3 \quad (16)$$

Ушбу модель асосида, 2011–2015 йиллар учун касаначилик эвазига имтиёзлардан фойдаланилган ҳолда корхонада тежаладиган маблағ микдори

¹⁵ Муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тузилган.

ҳамда яратиладиган иш жойлари сони прогноз қилинган (3-жадвал). 3-жадвал маълумотлари, касаначилик кенгайиши эвазига унга бериладиган имтиёзлардан фойдаланиш ҳар бир корхонада тежалган маблағ ҳажмини 2015 йилга бориб 821,3 минг сўмни ташкил этиши мумкинлигини кўрсатади. Бу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 2,9 марта кўпдир.

3-жадвал

Хоразм вилоятида касаначиликнинг истиқболда ривожланишининг асосий кўрсаткичлари прогнози¹⁶

| Йиллар | Касаначилик эвазига имтиёзлардан фойдаланган ҳолда корхонадан тежалган маблағ (минг сўм) | Касаначилар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот (кўрсатилган хизмат) ҳажми (млн. сўм) | Касаначилар ўртача ойлик иш ҳақи (минг сўм) | Мехнат шартномаси асосида яратилган касаначилик иш жойлари (дона) |
|------------------|--|---|---|---|
| ҲАКИҚАТДА | | | | |
| 2006 | 14,1 | 1804,0 | 43,7 | 2245 |
| 2007 | 42,1 | 2816,3 | 58,4 | 3173 |
| 2008 | 95,9 | 4521,8 | 83,6 | 3445 |
| 2009 | 95,9 | 6587,3 | 127,9 | 3501 |
| 2010 | 288,4 | 10879,3 | 147,3 | 4584 |
| ПРОГНОЗ | | | | |
| 2011 | 530,3 | 14856,5 | 174,7 | 4964 |
| 2012 | 603,3 | 17434,7 | 202,2 | 5474 |
| 2013 | 676,3 | 20012,9 | 229,7 | 5984 |
| 2014 | 749,3 | 22591,2 | 257,3 | 6493 |
| 2015 | 822,3 | 25169,4 | 284,8 | 7003 |

Вилоят бўйича аҳоли билан меҳнат шартномаси асосида 2011-2015 йиллар давомида 30 мингга яқин иш ўринлари яратилиши кутилади. Бу 2006-2010 йилларда яратилган иш ўринлари сонидан 43,3 фоизга ошиқдир. Бунда вилоятда касаначилар томонидан 2011 йилдан 2015 йилгача 100,1 млрд. сўмлик ёки шу даврда касаначилар томонидан йилига ўртача 20 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиши мумкин. Шу билан бир вақтда касаначиларнинг ўртача иш ҳақи 2015 йилда 2010 йилга нисбатан қариб 2 мартага ошиши кутилади.

Ушбу прогноз кўрсаткичларнинг амалга ошиши, унга имконият берувчи омилларга боғлиқ. Шунинг ҳисобига олиб кооперацияни ривожига кўмаклашувчи ҳамда унга тўсқинлик қилувчи омиллар таҳлил қилинган.

Кооперацион алоқаларни ривожлантиришнинг имкониятлари сифатида ҳукумат томонидан кооперацияга устуворлик берилиши, яъни, кооперацион алоқаларни ривожлантириш бўйича давлат дастурлари қабул қилиниши, бепул реклама ва бренддан фойдаланиш, мижозларни кўпроқ жалб қилиш, монопол мавқеига эга бўлиш, талабнинг доимий мавжудлиги, кооперация натижасида шерикларнинг ўзаро қўллаб-қувватлаши ва бир-бирига ишончи, кооперацияни

¹⁶ Муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тузилган.

янада кенгайтириш ва янги кооперацион механизмларни жорий қилиш, қонунчиликка давлат томонидан кооперацион алоқаларни рағбатлантирувчи янги ҳуқуқий меъёрларнинг киритилишини келтиришимиз мумкин, *кооперацион алоқаларга таҳдид соловчи жиҳатлар сифатида* эса, шериклар ўртасидаги келишмовчиликлар, улар масъулиятсизлиги, бозор конъюктурасининг ноаниқлиги ва бошқа ҳолатларни келтириш мумкин.

Шуларни эътиборга олиб, диссертацияда ўтказилган SWOT таҳлилига биноан ҳар бир кичик бизнес субъекти ёки кооперацияга киришувчи исталган томон амалга ошириши ва айнан ўз кооперациясининг заиф томонлари ва таҳдидларини бартараф этиш, қучли томонлари ҳамда имкониятларини тўлиқ ишга солиш мумкинлиги таъкидланган.

ХУЛОСА

1. Минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари бўйича кооперацион алоқалар лойҳалари ишлаб чиқилишида маҳаллий ташаббускорларнинг суғул фаолият кўрсатишлари туфайли экспортга йўналтирилган мавжуд ресурс салоҳияти ва иқтисодийёт реал секторидаги бизнес субъектлари ўртасида кооперацион алоқалар ривожланиши ўзаро мувофиқлашмаган.

2. Фикримизча, кичик бизнесни йирик бизнес билан кооперацияга ундовчи асосий рағбатлар, ишлаб чиқариш қўламларини кенгайтириш ва илмий-техник ишларни ҳамкорликда олиб боришда, машҳур савдо маркаси, бренди ёки имижидан фойдаланиш бўлса, тўсиқ бўлаётган омиллар эса чекланган ишлаб чиқариш базаси, бизнесни кенгайтириш юзасидан лойиҳани амалга оширишга маблағларнинг етишмаслиги ҳисобланади.

3. Республикамик миз минтақаларида, хусусан Хоразм вилоятида кичик бизнес субъектлари ўртасида кооперация жараёнларини янада қучайтириш мақсадида тадқиқотда тақлиф этилган КБКАни микроиқтисодий даражада ташкил этишининг ривожланган давлатларда кенг тарқалган харажатли-тақсимловчи (ташкилий-тақсимловчи, ишлаб-чиқарувчи-тақсимловчи, ахборот-тақсимловчи), беғараз-ишончли, кредит-кооперацион ва солиқ тежовчи каби самарали механизмларини жорий қилиш, кооперация иштирокчиларига ҳамкорликни қучайтириш мақсадида молиявий имтиёзлар бериш мақсадга мувофиқ.

4. Таҳлилларимизга кўра, одатда, кичик бизнес йирик корхоналарга буюртма берганда молиявий ресурсларнинг аксарият қисми кичик бизнесдан йирикка оқиб кетиши керак. Бироқ, бу ҳолат фақат Урганч шаҳрида ва Хонка туманларида кузатилгани ҳолда вилоятнинг йирик бизнес субъектлари кўп бўлган Гурлан, Ҳазорасп туманларида тесқари ҳолат, яъни, йирик бизнесдан кичик бизнес соҳасига молиявий ресурслар оқиб кетиши аниқланиди. Бу эса, ушбу туманларда йирик бизнес томонидан кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш имкониятлари ва қўламлари катта эканлигини кўрсатади.

5. Республикамик миз минтақаларида, хусусан, Хоразм вилоятида кичик бизнес кооперацион алоқаларини шакллантириш ва ривожлантиришда ривожланган хорижий давлатларда кенг тарқалган товарни сотиш ва тезкор бошқариш синергияси, молиявий-инвестицион ва менежмент синергияси механизмларини татбиқ этиш мақсадга мувофиқ.

6. Иқтисодийёт ривожланишининг кластер тамойилларидан фойдаланишнинг

устуворлиги, кластер тузилмаларининг тизими хусусиятларидан келиб чиқади: режалаштириш ва бошқаришнинг мақсадли тамойилларини амалга ошириш имкониятлари, ҳудудлар ривожланиши масаласи, уларнинг табиий ресурслари, ижтимоий ва иқтисодий салоҳиятини инобатга олган ҳолда, комплекс равишда ҳал этиш; ташкилотларнинг кооперацион ҳамкорлиги натижасида синергик самараларни олиш.

7. Диссертацияда ишлаб чиқилган эконометрик моделлар кооперацияга киришувчи корхоналар кўрсаткичларини фақатгина миқдорий баҳолаб қолмасдан, балки, улар ўртасидаги кооперацион алоқалар шаклини ва ҳар бир омил натижавий кўрсаткичларга таъсир даражасини аниқлашга имкон беради. Таклиф қилинган иқтисодий-математик моделда стратегик жараёнлар ёрдамида иқтисодий субъектларнинг «ишлаб чиқарувчи-истеъмолчи» ҳамкорлигидаги «тор жойларни» бартараф қилиш тасвирланади ва бу моделни амалга ошириш учун эксперт босқичи жараёнларини ҳам ўз ичига олган. Кластер ишлаб чиқариш тизимлари таркибидаги ташкилотларнинг биргаликда ҳамкорлиги масаласи таҳлилига бу моделдан кетма-кет фойдаланиш, умумий стратегияни ишлаб чиқишда, бошқа маълум ривожланиш ва жойлаштириш моделлардан фаркли равишда, кластер тизимининг алоҳида унсурларининг мувозанатли ривожланишини инобатга олишни такозо қилади.

8. Кооперацияга киришувчи корхоналар хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, синергетик самарасини ҳисоблашда чизикли модель билан бирга ночизикли моделни ҳам кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, эконометрик моделлардан фойдаланиш кооперацияга киришувчи корхоналар ўз имкониятларини тўғри баҳолаш ва мониторинг қилиш имконини беради ҳамда кооперацион алоқалар синергетик самарасини баҳолаш жараёнини моделлаштириш ўзаро ҳамкорликка киришувчи субъектлар ўртасида ишлаб чиқариш фаолиятини тўғри йўналтириш, бошқариш ва таҳлил жараёнларини энгиллаштиради.

9. Муаллиф фикрича, минтақанинг рақобат устунликларини аниқ белгилаш асосида туманлар кесимида кооперацион алоқаларни кенгайтириш мақсадида Хоразм вилоятида халқаро ва маҳаллий туризм, энгил саноат тармоқлари доирасидаги ихтисослашган бизнес кластерларини шакллантириш лозим. Хусусан, энгил саноатга ихтисослашган бизнес кластерлари бўйича Боғот, Гурлан, Хонқа туманлари ва Урганч шаҳри; чорвачиликка ихтисослашган бизнес кластерлари бўйича Қўшқўпир, Янгиарик, Янгибозор ва Ҳазорасп туманлари; боғдорчилик, полиз экинлари ва қайта ишлаш бўйича Боғот, Янгибозор ва Гурлан туманлари; миллий хунарамандчиликка ихтисослашиш бўйича Хива, Янгиарик, Қўшқўпир туманлари; туризмга ихтисослашган бизнес кластерлари бўйича Хива, Урганч, Ҳазорасп туманлари; қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган бизнес кластерлари бўйича Шовот, Қўшқўпир туманлари ва Урганч шаҳрида амалга ошириш лозим.

10. Хоразм вилоятида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятлари, мавжуд муаммолар ва ресурслар салоҳиятини инобатга олиб, кооперацион алоқага киришувчи бизнес субъектларида ихтисослаштириш, интеграциялаш ва диверсификация стратегияларини қўллаш, вилоят иқтисодиётида кооперациянинг франчайзинг, аутсорсинг, логистик аутсорсинг каби турларини вилоятнинг

Урганч шаҳри, Хива. Гурлан, Ҳазорасп, Шовот ва Урганч туманларида шакллантириш керак.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Гулманов М., Салаев С.К., Жуманиёзов У., Файзуллаев Н. Региональные особенности эффективного развития малого бизнеса в сфере услуг // Журнал налогоплательщика. – Тошкент, 2007. – №4 (40). – С. 22-23.

2. Гулманов М., Салаев С., Жуманиёзов У. Оценка тенденций развития МБЧП в Узбекистане при помощи «матрицы выживаемости» // Экономика и финансы. – Москва, 2009. – №9. – С. 41-44.

3. Гулманов М.А. Кичик бизнес кооперацион алоқаларини ривожлантиришнинг хорижий тажрибалари // Илм сарчашмалари. – Хоразм, 2009. – №6. – Б. 51-55.

4. Гулманов М.А. Кичик бизнес кооперацион алоқалари барқарорлигини эконометрик моделлаштириш // Иктисодиёт ва таълим. – Тошкент, 2010. – №2. – Б. 70-73.

5. Гулманов М.А. Минтакаларда кичик бизнес кооперацион алоқалари қўламли ва хусусиятлари // Биржа эксперт. – Тошкент, 2010. – №5. – Б. 30-33.

6. Гулманов М.А. Особенности кооперационных отношений малого бизнеса и научных организаций в условиях мирового экономического кризиса // Республика илмий-амалий анжумани тезислар тўплами. – Тошкент: «Иктисодиёт». ТДИУ, 2009. – Б. 106-110.

7. Гулманов М.А. Франчайзинговая система организации малого бизнеса на автомобильном транспорте // Республика илмий-амалий анжумани тезислар тўплами. – Тошкент, «Иктисодиёт». ТДИУ, 2008. – Б. 168-171.

8. Гулманов М.А., Жуманиёзов У., Абдуллаев Ф. Региональные аспекты развития малого предпринимательства в Хорезмской области // Двадцатые международные Плехановские чтения. – Москва, 2007. – С.394-395.

9. Гулманов М.А., Файзуллаев Н.Б., Роль надомного труда в развития кооперационных связей малого и крупного бизнеса и повышении доходов населения // Республика илмий-амалий анжумани тезислар тўплами. – Тошкент, «Иктисодиёт». ТДИУ, 2008. – Б. 168-171.

10. Гулманов М.А. и др. Некоторые вопросы развития кооперационных связей субъектов малого и крупного бизнеса в развитых странах // Тезисы и доклады международной научно практической конференции. – Москва, МГУ и МГЭИ, 2010. – С.78-79.

11. Гулманов М.А., Файзуллаев Н.Б. Касаначилик асосидаги кичик ва йирик бизнес минтақавий кооперацион алоқаларининг барқарорлик шартлари // Материалы I Форума экономистов Республики Узбекистан. ИМПИ при Кабинете Министров Республики Узбекистан и ПРООН. – Ташкент, 2010. – Б.181.

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Гулманов Махсуд Аминовичнинг 08.00.06 – «Эконометрика ва статистика» ихтисослиги бўйича «**Кичик бизнес кооперацион алоқаларини эконометрик моделлаштириш (Хоразм вилояти мисолида)**» мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕ СИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: кичик бизнес, кооперацион алоқалар, моделлаштириш, оптимал гуруҳлаш, синергия самараси, кичик ва йирик бизнес кооперацион алоқалари.

Тадқиқот объекти: Хоразм вилояти иқтисодиёти ҳамда кичик бизнес субъектлари.

Ишнинг мақсади – кичик бизнес субъектларининг муқобил кооперацион алоқаларини эконометрик таҳлил этиш услубиётини такомиллаштириш ва унинг синергетик самарасини оширишга йўналтирилган илмий-услубий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот усуллари: таҳлил ва синтез, комплекс ёндашув, қиёсий ва кластер таҳлил, SWOT таҳлил, статистик гуруҳлаш, эксперт баҳолаш, эконометрик моделлаштириш.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: кичик бизнес субъектлари кооперацион алоқалари шакллари таснифланган ва уларни такомиллаштиришнинг илмий-услубий ёндашувлари умумлаштирилган; кичик бизнес субъектлари кооперацион алоқаларини эконометрик моделлаштириш ҳамда муқобил вариантлар ва синергетик самарани аниқлашнинг услуби таклиф этилган; ҳудудда кичик бизнес субъектлари кооперацион алоқаларини ифодаловчи эмпирик моделлар, уларни ривожлантиришнинг асосий омиллари ва истикболлари аниқланган; кичик бизнес кооперацион алоқаларининг даражаси, қўламлари, хусусиятлари эконометрик баҳоланган ва ҳудудда бизнес кластерларини шакллантириш орқали янги иш ўринларини яратиш мумкинлиги исботланган; кичик бизнес кооперацион алоқаларининг барқарорлигини баҳолашнинг илк бор эконометрик модели ишлаб чиқилган, функционал боғлиқликлар адекватлиги текширилган; ҳудудда кичик бизнеснинг кооперацион алоқаларини кенгайтириш орқали уни ривожлантириш истикболлари, ҳамкорлик ва кооперацион алоқаларнинг устувор йўналишлари асосланган.

Амалий аҳамияти: диссертацияда ишлаб чиқилган илмий-назарий тавсиялар, амалий таклифлар кичик бизнес кооперацион алоқаларини тартибга солувчи ва мувофиқлаштирувчи давлат, минтақавий ва маҳаллий органлар томонидан соҳани ривожлантириш бўйича узоқ муддатли дастурларни ишлаб чиқишга имкон яратади.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: диссертацияда ишлаб чиқилган тавсия ва таклифлар ОТ-Ф7-133 «Ўзбекистон Республикасида кичик бизнесни ривожланишини моделлаштириш ва маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишнинг назарий ва услубий асослари» мавзусидаги фундаментал тадқиқотлар давлат илмий-техника дастури илмий ҳисоботига киритилган ҳамда Хоразм вилояти ҳокимлиги Ахборот-таҳлил гуруҳи, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни ривожлантириш вилоят ҳудудий бошқармаси амалий фаолиятларида ва Урганч давлат университети ўқув жараёнида фойдаланиш учун қабул қилинган.

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: кичик бизнес ривожланишини тартибга солувчи ва мувофиқлаштирувчи давлат ва минтақавий бошқарув органлари фаолиятида.

РЕЗЮМЕ

диссертации Гулманова Махсуда Аминовича на тему: «**Эконометрическое моделирование кооперационных связей малого бизнеса (на примере Хорезмской области)**» на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.06 – «Эконометрика и статистика»

Ключевые слова: малый бизнес, частное предпринимательство, кооперация, кооперационные связи, моделирование, оптимальная группировка, эффект синергии, концентрация, кооперационные связи малого и крупного бизнеса.

Объект исследования: экономика и субъекты малого бизнеса Хорезмской области.

Цель работы: разработка научно-методических предложений и практических рекомендаций, направленных на совершенствование методологии эконометрического анализа и повышение синергетического эффекта альтернативных кооперационных связей субъектов малого бизнеса.

Методы исследования: анализ и синтез, комплексный подход, сравнительный и кластерный анализы, SWOT анализ, метод экспертных оценок, статистическая группировка, моделирования.

Полученные результаты и их новизна: классифицированы виды кооперационных связей субъектов малого бизнеса и обобщены научно-методические подходы их совершенствования; предложены методика определения синергетического эффекта и методы эконометрического моделирования кооперационных связей субъектов малого бизнеса; определены эмпирические модели, отражающие кооперационных связей субъектов малого бизнеса в регионе, оценены уровень, масштабность и особенность кооперационных связей малого бизнеса, доказана возможность создания новых рабочих мест посредством формирования бизнес кластеров региона; проверена адекватность функциональных связей, впервые разработано эконометрическая модель оценки устойчивости кооперационных связей малого бизнеса; обоснованы приоритетные направления кооперационных связей и сотрудничества, перспектив его развития посредством расширения кооперационных связей малого бизнеса региона.

Практическая значимость: научно-теоретические рекомендации и практические предложения по оценке, моделированию и прогнозированию тенденций развития малого бизнеса позволят совершенствовать деятельность государственных, региональных, местных органов по регулированию и координации данного сектора при разработке долгосрочных программ развития сферы.

Степень внедрения и экономическая эффективность: выводы и предложения, разработанные в диссертации, были использованы ГНТП фундаментальных исследований ОТ-Ф7-133 «Теоретико-методологические основы моделирования и разработки маркетинговой стратегии развития малого бизнеса и частного предпринимательства в Республике Узбекистан», а также применяются в практической деятельности информационно-аналитической группы Хокимията Хорезмской области, в областном управлении Демонополизации, стимулирования конкуренции предпринимательства, а также в учебном процессе УрГУ.

Область применения: в деятельности государственных, региональных органов по регулированию и координации развития малого бизнеса.

RESUME

Thesis of Gulmanov Makhsud Aminovich on the scientific degree competition of the doctor of sciences (philosophy) in economics on speciality 08.00.06 – «Econometrics and statistics» on the subject: «**Econometric modelling of relations of small business cooperation (the case of Khorezm region)**»

Key words: small business, cooperative relations, modeling, optimal grouping, synergy, cooperation relations of small and large businesses.

Subject of research: Economy and small businesses in the Khorezm region.

Purpose of work: development of scientific and methodological proposals and practical recommendations aimed at improving the econometric analysis, and increase synergy of alternative cooperative relations of small businesses.

Methods of research: analysis and synthesis, integrated approach, comparative and clustering analysis, SWOT analysis, the statistical grouping, the method of expert estimation, methods of econometric modeling.

The results obtained and their novelty: classified types of cooperative relations of small businesses and summarized the scientific and methodological approaches to improve them; proposed method of determining the synergies and econometric modeling techniques of cooperative relations of small businesses and alternative variants; defined empiricist model reflecting the cooperative relations of small businesses in the region; assessed the level, scope and feature cooperative links small businesses, proven ability to create new jobs through the formation of business clusters in the region; verifying the adequacy of functional connections, first developed an econometric model estimates the stability of cooperative links small business; founded priorities for cooperation relations and cooperation and the prospects for its development through the expansion of cooperative ties small business in the region.

Practical value: the scientific and theoretical guidelines and practical suggestions for assessment, modeling and forecasting of trends in small business development will enhance the activities of state, regional and local authorities to manage and coordinate the development of the sector's long-term programs for small business.

The degree of embed and economic efficiency: designed offers and proposals developed in the dissertation, have been used for Basic Research GTIN OT-F7-133, "Theoretical and methodological foundations of modeling and development of marketing strategies for small business and entrepreneurship in the Republic of Uzbekistan", as well as applied in the practice of information-analytical group of Hokimiyat of Khorezm region, in the Regional Demonopolisation, Regional administration of developing entrepreneurship and stimulate competition, and also in the learning process of Urgench State University.

Field of application: results of the research can be used in government and regional bodies to manage and coordinate the development of small businesses.

| | |
|-----------------------|---------------|
| Қоғоз бичими | 1,2 б.т. |
| Босишга рухсат этилди | 17.11.2011 й. |
| Тиражи | 100 нусха |
| Буюртма № | 476 |

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
«ТАЛАБА» янги ахборот технологиялари марказининг
«RISO» нусха кўчириш техникасида чоп этилди

Тошкент, Ўзбекистон
шоҳкучаси, 49-уй